

Умр бўйи тавба қилиш | Тазкия дарслари (314-дарс)



19:00 / 18.01.2025 2165

Банданинг тавбаси тугал ва умр бўйи давом этадиган бўлиши керак. Тавбанинг ўтган, ҳозирги ва келаси замонга боғлиқ бўлиши аввал айтиб ўтилган эди.

Бас, тавбанинг ўтган замонга боғлиқлиги қуйидагича: банда фикри ила балоғатга етган биринчи кунига қайтади. Ўшандан буён ўтган умрини йилма-йил, ойма-ой, ҳафтама-ҳафта, кунма-кун, соатма-соат ва нафасма-нафас тафтиш қилиб чиқади. Адо этилмай қолган тоатларига ва содир этган маъсиятларига назар солади, ҳаммасини хотирига олади.

Қанча намозни ўқимагани ёки ўқиган бўлса ҳам, нотўғри ўқиганини аниқлайди. Кейин уларнинг қазосини ўқишни бошлайди. Аста-секин қазо

Бандаларга нисбатан қилинган зулмлар бир вақтнинг ўзида Аллоҳ таолога нисбатан ҳам маъсият бўлади. Чунки бандага зулм қилувчи гуноҳкор инсон Аллоҳ таоло тақиқлаган, қайтарган ишни содир этган бўлади. Шу эътибордан у тавба қилади. Бунга қўшимча тарзда зулмларининг муқобилига яхши ишлар қилади. Одамларга озор берган бўлса, уларга яхшилик қилади. Молини тортиб олган бўлса, унинг эвазига ўзининг ҳалол молдан садақа қилади. Уларни ёмонлаган бўлса, мақтайди.

Кейин одамларнинг ҳаққига қилган зулмидан қутулишга ўтади. Бу зулмлар одатда жонга, молга, обрўга ва қалбга тегишли бўлади.

1. Жонга оид жиноят хато тариқасида одам ўлдиришдан иборат бўлса, ҳақдорларга хун тўлашни йўлга қўяди. Агар қасддан одам ўлдирган бўлса, ўзини ўлдирилган шахснинг эгасига топширади. У хоҳласа, қасос олади, хоҳласа, кечиради. Бу масалада жиноятчи ўз қилмишини яшириши жоиз эмас. Шунингдек, бировни зинода айблаб қазф (бўхтон) қилган шахс ҳам ўзини ўзи тутиб бериши керак.

Аммо зино, ароқхўрлик, ўғрилиққа ўхшаш бошқа маъсиятларда жиноятчи ўзини тутиб бериши тавбанинг шартларига кирмайди. Қилмишини яшириб, тавба қилса бўлаверади. Агар очиқ эътироф қиламан деса, ўзининг иши. Унга шаръий жазо қўлланилади ва тавбаси қабул бўлади.

2. Молу мулкка оид жиноятлар тавбаси ичида уларни ўз эгасига қайтариб бериш ҳам бўлади. Ҳақ эгасига ҳақини қайтариш билан бирга, ундан узр сўраш ҳам лозим.

Агар бировнинг ҳақи адо этиб бўлмайдиган даражада кўп бўлса, кўлидан келганини бериб бораверади. Шу билан бирга, кўлидан келганича яхшилик қилади. Қиёмат куни ўша яхшиликлардан ҳақ эгасига олиб берилади.

Молни қайтариш учун унинг эгасини топа олмаса, меросхўрига беради. Меросхўрни ҳам топа олмаса, ўша миқдордаги молни камбағалларга садақа қилади.

Молида ҳаром ва ҳалол аралашиб кетган одам ҳаракат қилиб, ҳаромнинг миқдорини аниқлайди ва ўшани камбағалларга садақа қилади.

Қалбга ва обрўга оид жиноятлардан тавба қилишнинг амалий қисмида мазлумларни топиб, улардан жиноятига яраша ҳақларини ҳалол қилишни сўрайди.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.